

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 134 (10.187)

2004 йил 14 июль

ЧЕМПИОНЛИК МУБОРАК, РУСТАМ!

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

ШАХМАТ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ, ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВГА

Қадри Рустамжон ўғли!

Сени авваламбор шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганинг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сен эришган бу беқиёс ғалаба мамлакатимиздаги барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга чексиз қувонч ва гурур-ифтихор бағишлайди.

Бу нечоғлиқ улкан ютуқ эканини, дунёнинг манамен деган шахматчилари орасида биринчи бўлиш осон бўлмаганини барчамиз яхши англаймиз.

Ўзининг бетакрор тарихи ва маданияти, ақл-заковати билан асрлар давомида инсониятни хайратга солиб келган халқимизнинг юксак тафаккури ва интеллектуал салоҳияти мана шу ғалаба тинимсизлигида яна бир бор ёрқин намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллатимиз, халқимиз қўлдан бўён орзу қилган мана шундай шухули қўнларга, мана шундай буюк зафарга етказгани учун барчамиз аввало Ўзбекистонимизга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Сендек билимли, мард ва иродали ўғлонни воёга етказган ота-онанг, оила аъзоларинг, ноёб истеъдодингни рўбга чиқаришга ҳисса қўшган устоз-мураббийларингга раҳматлар айтсак бўлади.

Ўртимиз ҳаётидаги бу тарихий воқеа мустақиллик одамларимиз учун, аввало ёш авлод учун нақадар катта имкониятлар очиб берганини, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизнинг яна бир амалий тасдиғидир. Сenga бахт ва омад ҳамisha ёр бўлсин, доимо омон бўл!

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

С.Б.Раҳимовни Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Саидхамд Бориёвич Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВТошкент шаҳри,
2004 йил 13 июль**ПОЙТАХТНИНГ**
Бир кунли
Янгиликлар, воқеалар**ҚИСКА**

● **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Меъморчилик, қурилиш ва қадостр масалаларини ечишда «TRIMBLE» янги геосистемалари ва технологиялари» мавзuida икки кунлик халқаро семинар ўз иштини бошлади.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Сергели туманида тadbirkorлар ва ишбилармонлар иштирокида партиянинг мақсад ҳамда вазифаларини амалга оширишнинг чораларига бағишланган тadbirkorларнинг йўналиши бўлди.

● **МЕХР** ва муруват йили муносабати билан Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан меҳрга ташна инсонлар учун хайрия тadbirkorлари йўналиши бўлди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида ўтган асрнинг 50-80 йилларида яшаб ижод қилган рассомлар ҳамда ҳайкалтарошларнинг асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Кеча Ливиянинг Триполи шаҳрида Жаҳон шахмат Федерацияси (ФИДЕ) томонидан ўтказилаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионати нихосига етди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов деярли бир ой давом этган мусобақа давомида ўзининг юксак савиядаги ўйинлари билан кўпчилиكنинг таҳсинига сазовор бўлди. Пировард натижада чемпионатнинг финалига йўлланма олди ва англиялик таниқли шахматчи Майкл Адамсга мағлуб этиб, янги жаҳон чемпиони бўлди. Ўзбекистонлик шахматчилардан бирортаси ҳам ҳозиргача бу каби олий даражадаги мусобақага йўл тополмаган, бундай юксак натижага эришмаган эди.

Рустам Қосимжонов кейинги йилларда бир қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли катнашгани, ўз маҳоратини ошириш йўлида тинмай ишлаётганлигини хабарингиз бор. Унинг бу сайҳаракатлари шахсан мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. Бу эса Рустамни янги зафарларга ундамоқда.

Триполидаги чемпионат 18 июнь куни бошланган эди. Жаҳоннинг 56 мамлакатидан ташриф буюрган энг кучли шахматчиларнинг 128 нафари шахмат тожи учун курашни бошлади. 5 босқичдан иборат саралаш ўйинларида ҳамюртимиз кубалик Александром Рамиресни, эронлик Эҳсон Қойиммакомийни, энг кучли шахматчилардан украинлик Василий Иванчук ва россиялик Александр Гришукни, венгриялик Золтан Алмасийни доғда қолдирди. Ярим финалда болгариялик маҳоратли шахматчи, 2737 га тенг бўлган рейтинг билан жаҳоннинг энг кучли шахматчилари рўйхатида 5-ўринда турган Веселин Топалов билан юзма-юз келди. Дастлабки тўртта ўйин дуранг натижа билан тугади. Қоидага қўра, энди 25 дақиқали 2 та қисқа партия ўйналиши керак эди. Рустам иккала партияни ҳам ютиб, сенсация яратди ҳамда финалга чиқди.

Финалда унга озарбайжонлик Теймур Ражабовни ютган Майкл Адамс рўбарў келди. Унинг рейтингини — 2731, энг кучлиларнинг рўйхатида 8-ўринда турибди. Аммо Рустам бу сафар ҳам ишончли ўйинлари билан ишқибозлар оқлишига сазовор бўлди.

Қоидага қўра, энди 25 дақиқали 2 та қисқа партия ўйналиши керак эди. Рустам иккала партияни ҳам ютиб, сенсация яратди ҳамда финалга чиқди.

Финалда унга озарбайжонлик Теймур Ражабовни ютган Майкл Адамс рўбарў келди. Унинг рейтингини — 2731, энг кучлиларнинг рўйхатида 8-ўринда турибди. Аммо Рустам бу сафар ҳам ишончли ўйинлари билан ишқибозлар оқлишига сазовор бўлди.



Ўзбек ўғлони юртимиз тарихида илк бор шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди

Қоидага қўра, финалда рақиблар олти партия ўйнашлари, агар ора очик бўлмаса, иккита 25 дақиқали ўйин ўйнашлари зарур эди. 6 партиядан сўнг ҳисоб 3:3 бўлиб қолди. Натижада иккита ўйини жаҳон чемпиони бўлди. Қора доналар билан ўйнаган Рустам биринчи партияни ўз фойдасига ҳал қилди. Иккинчи партиядан эса рақибни унга дуранг тақдир қилишига мажбур бўлди. Умумий ҳисоб — 4,5:3,5. Шу тариқа Рустам Қосимжонов ўн еттинчи жаҳон чемпиони деб эълон қилинди ва шахмат ўйинлари тарихида ном қозongan буюк усталар сафига қўшилди. Бу улкан ғалаба мамлакатимиз спорт тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзийди.

Ўзбекистондаги мингбала шахмат мухлислари Рустам Қосимжоновни чин дилдан муборакбод этадилар, шахматнинг сирли оламида унинг зафарли юртишлари яна давом этишини тилаб қоладилар.

Қуйида Р.Қосимжоновнинг ярим финалда ва финалда ғалаба билан яқунланган 2 та партияси билан танишасиз.

Насриддин МУХАММАДИЕВ

В.Топалов — Р.Қосимжонов

1. d4 Nf6 2. c4 e6 3. Nf3 b6 4. g3 Bb7 5. Bg2 Be7 6. Nc3 O-O 7. d5 Bb4 8. O-O Na6 9. Nd4 Bxc3 10. bxc3 Nc5 11. Nb3 Nce4 12. f3 Nxc3 13. Qc2 Na4 14. e4 d6 15. Nd4 Nc5 16. Bb2 Qd7 17. Bh3 Rf8 18. a4 a5 19. Rfe1 Qe7 20. e5 dxe5 21. Rxe5 Ncd7 22. Re3 Qc5 23. Rae1 e5 24. Nb3 Qd6 25. Bxd7 Nxd7 26. f4 f6 27. Nd2 Qf8 28. fxe5 Nxe5 29. Bxe5 Rxe5 30. Rxe5 fxe5 31. Rxe5 Qc5 32. Kg2 Rf8 33. Nf3 h6 34. Qd3 Ba6 35. Re4 Qb4 36. Ne5 Qx4 37. h4 Qa2+ 38. Re2 Qa1 39. Kh2 Qf1 40. Qe3 Bc8 41. g4 Re8 42. Kg3 h5 43. Re1 Qf6 44. gxf5 Qf5 45. Kh2 Qxh5 46. Qg3 a4 47. Ng4 Bxg4 48. Rxe8+ Qxe8 49. Qxg4 Qe5+ 50. Kg2 a3 51. Qc8+ Kh7 52. Qa6 Qb2+ 53. Kf3 a2 0-1

Р.Қосимжонов — М.Адамс

1. e4 e5 2. Nf3 Nf6 3. Nxe5 d6 4. Nf3 Nxe4 5. d4 d5 6. Bd3 Nc6 7. O-O Be7 8. c4 Nb4 9. Be2 O-O 10. Nc3 Be6 11. Ne5 f6 12. Nf3 Kh8 13. a3 Nxc3 14. bxc3 Nc6 15. Nd2 Na5 16. cxd5 Bxd5 17. c4 Bf7 18. Bb2 f5 19. Bc3 c5 20. d5 Bf6 21. Qc2 b6 22. Bd3 Bxc3 23. Qxc3 Nb7 24. Nf3 Nd6 25. Ne5 f4 26. Rfe1 Bg8 27. Nc6 Qg5 28. Qe5 Qxe5 29. Nxe5 Rf8 30. a4 g6 31. g3 fxg3 32. hxg3 Kg7 33. f4 Re7 34. a5 b5 35. cxb5 Bxd5 36. Bf1 Nf5 37. Ra3 Nd4 38. Rd1 Rd8 39. Rc3 Be6 40. Kf2 Rc8 41. Rb1 g5 42. b6 axb6 43. axb6 gxf4 44. gx4 Bd5 45. Bd7 Rf8 46. Bxc3 Nc6 47. Rxc5 Nxe4 48. fxe5 Bb7 49. Bx4 Rf7 50. Bxb7 Rxb7 51. Ke4 Rf7 52. Rc6 Kf8 53. e6 Rd2 54. Rf1+ Ke8 55. Rc8+ 1-0

Изоҳ: К — шоҳ, Q — фарзин, R — рух, B — фил, N — от.

Мамлакатимизда

● Коракалпоғистон Республикаси Жўркорги Кенгесида «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳукукий асослари ва 2004 йилда сайлов мавсумини уюштириш ва ўтказишнинг долзарб масалалари» мавзuida ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик битимини амалга оширишга қўмаклашиш» лойиҳаси доирасидаги ЕвропЭйд дастури Ўзбекистонда кичик бизнес ҳамда тadbirkorликни ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳукукий базани такомиллаштиришда бизнес тузилмаларининг ролини ошириш мақсадида ишбилармонлар учун «Адвокация» ўқувини бошлади.

● Жиззахда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ташаббуси билан «Инсон савдосининг олдини олишда давлат, жамоат ташкилотлари ва халқаро жағмарлар фаолияти» мавзuida минтақавий семинар конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Саломатлик поезди»да Навоий вилоятига келган малакали шифокорлар қариялар, ногирон ва беморларни тиббий қўриқдан ўтказишди.

Жаҳонда

● Ироқ Президенти Ғози ал-Явар ўз хоҳиши билан қурул-яроғини топширган ҳамда қўпоровчилик билан шўхланмаслик тўғрисидаги мажбурият қозғоғига имзо чеккан жаңгарилар авф этилишини маълум қилди.

● Афғонистон Президентини Ҳамид Карзай дала командирларига бўйсунувчи қурул-яроғини топширган ҳамда қўпоровчилик билан шўхланмаслик тўғрисидаги мажбурият қозғоғига имзо чеккан жаңгарилар авф этилишини маълум қилди.

● Австралия маъмуллари 10 ноябрга мўлжалланган парламент сайловлари олдинда миграция қонунчилигини юмшатишга қарор қилдилар.

● Вьетнам маъмуллари мамлакат жанубида парранда гриппи вирусини аниқланганлигини маълум қилдилар. Шу муносабат билан 10 мингга товуқ йўқ қилинди.

Иқтисодиёт

ХАР БИР
ХОНАДОНГА
ХИСОБЛАГИЧ

Хисоблагичларни бежизга тежамкорлик омили деб эътироф этаётганимиз йук. Бу нарсани тажриба, хонадонларга ўрнатиладиган газ, сув ўлчагич асбоблари бўйича ўтказиладиган мониторинглар ҳам тасдиқлаб турибди.

Сергели туманида ҳам кўп қаватли уйларга газ хисоблагичлар ўрнатиш ишлари кизгин давом этиб, бу борада фаоллик кўрсатаётган «Сурат» хусусий фирмаси пайвандчиларининг алоҳида ўрни бор. Улар ўзларининг сифатли ишлари билан истеъмолчиларни мамнун этиш баробарида қимматбаҳо бойлигимиз — «зангори олов»нинг тежамкорлигига, ортқича исроф бўлмаслигига муҳим ҳисса қўшмоқда.

— «Кўйлик-5», «Кўйлик-6», «Кўйлик-7» мавзесидаги кўп қаватли уйларнинг хонадонларида 2 та пайвандчилар бригадаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди фирма раҳбари Саил Махмудов. — Фаолиятимиз давомида ўнлаб истеъмолчиларнинг талабларини қондирдик. Айниқса, Шавкат Қодиров, Сафарбой Бобохонов сингари пайвандчиларимиз сидқиқидан меҳнат қилишмоқда. Биз ўз меҳнатимиз билан тежамкорликка ҳамда республика ҳукуматининг барча хонадонларга жорий йил охиригача газ хисоблагичлар ўрнатиш борасидаги қарори ижросига муносиб ҳисса қўшамиз.

Хусусий фирма тadbirkorлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, кўп қаватли уйларда тубдан таъмирлаш ишларини ҳам амалга оширишмоқда. Хар бир ишда сифат ва буюртмачи талабини тўла адо этиш муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Қурилиш

МАРДЛАР
МАЙДОНИ

Қурилишни бежизга мардлар майдонига қиёс этмаймиз. Қурувчилар ғайрат-шижоати эъзизга қад ростлаган хар бир иншоот сермашаққат меҳнат маҳсулидир.

Қайта қуриш ишлари амалга оширилаётган пойтахтимиздаги Тошкент маданият коллежиди ҳам ўз ишининг усталари, тендер танловида ғолиб деб топилган «Сифат» лойиҳа-қурилиш акциядорлик жамиятининг 75-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ғайрат кўрсатишмоқда. Ҳозирда коллежнинг 2 та ўқув биноси замонавий тарзда қайта қурилиб, таъмирланмоқда. Бу борада қурилиш ташкилотининг 100 нафардан зиёд бунёдкорлари сифатли ва самарали ишлашмоқда.

— 4 қаватли ўқув биносини тўла таъмирлаб бўлдик, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Жонибой Шоиев. — Ҳозирда эса иккинчи бинода ишларимиз жадал кетмоқда. Бу ерда ўқув хоналаридан ташқари спорт, хореография-ракс, томоша заллари ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қайта қурилиб, пардозланмоқда. Ишларимиз натижаси, яъни тўла ҳолда «калитини топириш»ни Мустақиллик байрами арафасига режалашганимиз. Бизнинг ўшбу талаба ва устозларга байрам ҳамда янги ўқув йили совғамиздан жамоа аҳли мамнун бўлади, деган умиддамиз.

Муҳиддин АЛИМБОВ

Бозор ва харидор

ЖАҲОН
АНДОЗАЛАРИ
ДАРАЖАСИДА

Мустақиллик йилларида, нафақат шахримизда, балки юртимиз бўйлаб бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайгандан кенгайиб бормоқда. Талаблар даражасидаги сифатли, кўркем, жаҳон андозасидаги иншоотлар, муҳташам бинолар қад ростлаши учун нафақат мукамал лойиҳа, малакали қурувчилар, самарали техника, балки рақобатбардош қурилиш материаллари зарур бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Айни шундай импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар «INSOF-RI» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида тайёрланади.

Мазкур қўшма корхона 1997 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунга келиб унда 40 нафарга яқин ишчи-хизматчилар хорижий замонавий дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида ички бозоримизни сифатли қурилиш маҳсулотлари билан тўлдирish мақсадида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

— Корхонамиз цехларида жаҳонга машҳур «LIRI» (Италия), «MÖBEL FOLIEN BIESENTHAL» (Германия) ҳамда «WILSONART» (Англия) фирмаларининг дастгоҳлари ўрнатиладиган, — дейди қўшма корхона директори Ирина Сагдуллаева. — Жумладан, дунё бўйича етакчи ҳисобланган «Пост-форминг» интерьерлар яратишда қўлланиладиган технологияларда пластик-ламинатлардан энг замонавий буюртмалар бажарилади.

Италия давлатидан кел-

тирилган юқори сифатли хом ашёнинг 20 хилдан аввалига стол, ромни безаклаш учун ишлатилган бўлса, ҳозирги кунда 75 хилдан ортқик ранглардаги хориждан келтирилган хом ашёдан унумли фойдаланилмоқда. Жамоа аҳли корхона ҳисобидан хорижа иш ўрганишга юборилиб, улар тажриба орттириб қайтган маҳсулотлар тури ҳам анчайин ортмоқда.

Масалан, дизайнчилар кўмагида радиаторлар учун манзарали панжаралар, осма деворлар, плинтуслар, шунингдек, ошхона термаси, офислар учун мебель, ўқувчилар парталари, савдо нуқталари ҳамда бар, банклар учун ностандарт жиҳозлар каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. «INSOF-RI» чиларнинг кўркем маҳсулотлари «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинги компанияси, Ўзбек Миллий академик



драма театри биноси, «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг муҳташам биноларини, Ўзбекистон академик рус драма театрини безаб турибди. Чунки пластик-ламинат хом ашёси бизнинг иқлим шароитимизга жуда мос бўлиб, тез-тез ўзгарувчан об-ҳаво инжиқликларига чидамли, узоқ хизмат қилиши ҳамда экологик тоза хом ашёдан тайёрланганлиги билан миҳозлар эътиборини қозонмоқда. Корхона тadbirkorлари изланишни давом эттириб, ички бозорни чуқур ўрганиш асносида янги хом ашё — сунъий тошдан беқиёс гўзаллик ярата бошлади.

«Granicoat» сунъий тоши — полиэтирол материал асосида яратилган бўлиб, 0 дан 180 даражали ҳароратга ҳам чидамли эканлиги тажрибаларда тасдиқланган. Камалак ранглари каби тиниқ — 117 хил ранглардаги сунъий тошлар энг нозиктаб миҳознинг ҳам талабини қондирishi аниқ.

Жуда кўплаб хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда корхонада ундан нафақат ошхона, ваннахона учун, балки бра, торшер, зиналар тагида жойлаштиришга мўлжалланган кўркем жиҳозлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, корхонанинг етакчи мутахассислари миҳозларнинг хоҳиш-истакларига кўра дизайнга алоҳида ишланмалар киритишлари мумкин, буюртма тайёр бўлгач эса манзилга олиб бориб, ўрнатиб ҳам берадилар.

Қўшма корхона ишчи-хизматчилари маҳсулоти кийимлари (мавсумга қараб) билан таъминланганлар, уларга ойлик маошлари ўз вақтида тўланади, йўл қарточкалари берилади ҳамда иссиқ тушлик ташкил қилинган. Булар албатта, жамоа аҳлининг унумли ишлаши, эртанги кунга ишончини оширади.

Юртимизда ишлаб чиқарувчиларга яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб қўшма корхона тadbirkorлари доимо изланишмоқда. Изланиш, янгиликка интилиш эса ўз самарасини бериши аниқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА:
«INSOF-RI» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси директори Ирина Сагдуллаева; Андрей Кубекин ва Сервер Закеряевлар иш жараёнида; корхона маҳсулотларидан намуналар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Маърифат

ЁШ МУТАХАССИСЛАР —
ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Тошкент радиотехника, автоматика ва электроника касб-хунар коллежини 250 нафарга яқин ўғил-қиз битирди. Бу ерда олиб боришган таълимий жараёнда бўлажак ёш мутахассислар ўз ихтисосликлари бўйича бой билим ва амалий кўникма ҳосил қилдилар. Улардан 50 га яқини имтиёзли дипломи кўлга киритди.

Шуниси қувонарлики, умидли ёшларнинг аксарияти ўз иш жойларига эга бўлдилар. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти каби корхоналар битирувчиларнинг кўпчилигини ўз бағрига олди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясига ҳам кадрлар етказиб берилди.

Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Авиация институти каби олий ўқув юртра-рида ўқиш истагини билдирган ёшлар ҳам бор.

Анвар ВАЛИЕВ

Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида «Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимига педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммолари» мавзусида анжуман ўтказилди.

СОҲА МУАММОЛАРИ
МУҲОКАМАДА

Анжуман ўрта махсус касб-хунар таълими тизимига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш, бу борадаги вазифаларни таҳлил этиш мақсадида ташкил этилди. Таълим муассасаларида ма-софавий таълимини ривожлантириш, интернет тизими ва электрон дарсликлардан фойдаланиш таълим мазмунини оширишда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Уларни жорий этишдан аввал мутахассисларнинг малакасини ошириш зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичидаги муҳим талаблардан бири ҳам тизимга пе-

дагогик технологияларни жорий этиш ва ўқув адабиётларининг янги авлодларини яратишдан иборат.

Анжуманда таъкидланишича, ўрта махсус касб-хунар таълими тизими қисқа вақт ичида ўқув адабиётлари ва воситалари билан таъминланди. Навбатдаги қилинажак ишлар адабиётларнинг сифатига эътибор қаратиш, уларни таҳлил этиш ва дарслик билан ишлаш услубини ишлаб чиқиш зарур. Ўқув жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаш, улар асосида дарсликлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Маълум

КОМПЬЮТЕР
ҲИНАЛАРИДАН
ИШЛАНМА

Талабаларнинг компьютер саводхонлигини оширишга қаратилган қатор техник ишланмалар юзга келди. «Ақл»ли машина қурилмаларини тақомиллаштиришга оид изланишлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

«Компьютер ўйинларини интерактив таълимда қўллаш» деб номланган ишланма Ўзбекистон Миллий университетининг иқтидорли талабаси Акмал Фаёзовга ижодий қувонч келтирди. Идрок этишга қаратилган компьютер ўйинлари индустрияси учун ўзига хос ангилли бўлган мазкур техника воситаси машғулот жараёнини алгоритмлаш ва дастурлашда қўл келади.

Мазкур истикболли лойиҳани амалиётга татбиқ этиш ушунда бир гуруҳ ёш дастурчилар изланиш олиб боришмоқда.

ИСТЕЪДОДЛИ
ТАЛАБАЛАР —
ИЗЛАНИШДА

Республикада шаҳарсозлик меъморчилик ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Бунда Тошкент архитектура ва қурилиш институти олимларининг изланишлари ҳам амалий аҳамият касб этмоқда.

Олий ўқув юртининг иқтидорли талабалари ҳам шу жараёнда фаоллик кўрсатаётганликлари эътиборни ўзига тортади. Шу ўринда шаҳарсозлик ва ландшафтлар архитектура-си кафедраси тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш жоиздир.

«Шаҳарсозлик — соғлом муҳит асоси» деган шиор остида яратилаётган лойиҳаларнинг юзга келишида истеъдодли ёшлар ҳам фаол иштирок этишмоқда. «Келажақ шаҳри» деган мавзуда олиб борилаётган изланишлар мутахассислар эътиборини жалб этаётди.

Бу комплекс лойиҳа бўйича сулим боғлар, аквапарклар, кузатиш майдончалари ҳам бунёд этилади.

Ирода СОДИҚОВА

Санъат

МУХЛИСЛАРГА
МАНЗУР

Ўзининг ранг-баранг саҳна асарлари билан мухлисларини мамнун этиб келатган «Аладдин» театри репертуари яна бир янги постановка билан бойиди. «Резина савдогари» деб номланган мазкур спектакль таниқли драматург Ҳаноҳ Левин асарини асосида саҳна юзини кўрди.

Севги ва муҳаббатни улуғловчи асар томошабинни бу инсоний туйғуларга тўла амал қилишга даъват этади. Театрнинг бадий раҳбари Михаил Каменский бу асарни саҳналаштирар экан, улкан режиссёрларнинг бой ижодий тажрибаси асосида иш кўрди.

«Резина савдогари» кино-спектакль жанрига яқин кўринишда томошабинларга тақдим этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўқув масканларида

ЗАМОН ТАЛАБИ
АСОСИДА

Айни пайтда умумий ўрта мактабларнинг 9-синфини битирган ўқувчи ёшларни таълим тизимининг кейинги босқичи - ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига жалб қилиш борасидаги ишлар қизғин тус олган.


Бу борада пойтахтимиз ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус ташкил этилган ўқувчи ёшларни касб хунарга йўналтириш бўйича маслаҳат (консультатив) гуруҳларнинг фаолияти диққатга сазовордир. Уларнинг асосий вазифаси ўқишга кириш истагида бўлган ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун касб-хунар танлаш бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

Яқинда Акмал Икромов туманидаги А.Хўжаев номи республика дизайн касб-хунар коллежиде бўлиб, илм масканида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдик.

Маслаҳат гуруҳи фаолиятини юқори даражада таъминлаш, ўқувчиларнинг бўлажак касбларга лаёқатларини аниқлаш, зарур тавсиялар берилишини ташкил этиш, 9-синф битирувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб боришга маънавият ва маърифат ҳамда касбга йўналтириш, ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, ўқув ишлаб чиқариш бўйича усталар, тажрибали педагоглар жалб қилинди, - дейди коллеж директори ва айни пайтда маслаҳат гуруҳининг раҳбари Шоносир Муродов. - Коллежimizда маслаҳат гуруҳи учун махсус хона ва кўргазмалар зали ажратилган бўлиб, бу ерда таълим муассасаси ҳақида сўз юритувчи альбом, буклетлар, стендлар, тайёрлов йўналишлари, қабул ҳақида низомдан кўчирма, коллеж ўқувчилари томонидан бажарилган ижодий иш намуналари, қабул синовида бажариладиган иш намуналари, турли ахборотлар мавжуд.

Сунгги йилларда, замон талаби асосида вужудга келган янги ихтисосликлар турмушимизнинг янада чиройли бўлишига замин яратмоқда. Ана шундай касб-

лардан бири дизайн ва дизайнерликдир. Бу каби нобб касб эгаларини мамлакатимизда ягона ҳисобланган бизнинг зиё масканимиз тайёрлаб беради. Бу янги ихтисосликлар бўйича кўпчилик ёшлар аниқ тушунчага эга эмасликларини ҳисобга олиб маслаҳат гуруҳи ҳар бир ташриф буюраётган ўқувчи ва уларнинг ота-оналарига коллеж ҳаёти, бу ерда тайёрланадиган мутахассисликлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб, тушунтириш иш-



ри олиб борадилар. Шунингдек, ўқувчилар томонидан бажарилган иш намуналари, ўқув хоналари, махсус устакхоналар билан яқиндан таништириладилар. Шу ўринда алоҳида айтиб ўтиш жоиз, мазкур коллежнинг деярли барча ўқитувчилари, ўқув ишлаб чиқариш усталари шаҳримиздаги мактабларга бириктирилган. Улар мунтазам равишда мактабларда бўлиб касбга йўналтириш бўйича ишлар олиб боришад.

Ушбу ўқув масканида ўқувчилар билим сирларини мукамал эгаллашлари учун



кенг, ёруғ ҳамда тўла жиҳозланган ўқув хоналари, ихтисослашган устакхоналар, амалиёт цехлари, махсус фанлар хоналари, каттагина кутубхона, замонавий компьютер билан жиҳозланган хоналар, ошхона, мажлислар зали, кўргазмалар зали ўқувчилар ихтиёрида. Спорт майдони, югуриш йўлакчалари ёшларнинг жисмоний чиникишлари учун хизмат қилмоқда. Қувонарлиси, коллежнинг дастурий таълимидан ташқари кўпгина йўналишларда тўғра-раклар фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, ўқув маскани Словакия, Япония, Жанубий Корея, Германия, Вьетнам, Франция мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

Бугунги кунда коллежда реклама дизайнери, расмларни жойлаштириш, осма эълонлар, қадокли қоғозларни ишлаб чиқариш, интерьерни лойиҳаловчи расмлар, санат дизайни, компьютер графикаси бўйича дастурчи, гилам ва gobеленлар лойиҳаловчи расм, кулол, бадий нақш, ёғоч ўймакорлиги, чинни буюмлар беш, расм дизайнерлари, либослар, миллий кийимлар, шойи, атлас либослар, дўппи бўйича расм дизайнерлар, чолғу асбобларини таъмирлаш мутахассислари тайёрланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мактабни битирган ҳар бир ўқил-қиз ўз хоҳиш-истагига кўра мукамал билимга эга бўлиши, хунар ўрганиши, қувонарлиси ўз келажагини ўзи барпо этиши мумкин.

Дония ЗОКИРОВА

СУРАТЛАРДА: А.Хўжаев номи республика дизайн касб-хунар коллежи ҳаётидан лавҳа; талабалар тайёрлаган маҳсулотлар.

Муноҳаза

ДАРСЛИКЛАРДАГИ
МАЪЛУМОТЛАР
ТЎҒРИ БЎЛСА...

Давлатимизда лотин ёзуви жорий қилингандан буён мактаблар, коллеж ва лицейлар учун махсус лотин ёзувида дарсликлар чоп этила бошланди. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор...

Дарсликдаги барча маълумотларнинг тўғрилиги ўқувчилар, талабалар ва айниқса, биз абитуриентлар учун жуда катта аҳамият касб этади. Дарсликдаги ҳар бир хато, олий ўқув юртига киришимизга тўсиқлик қилиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай экан, бугун бир муаммога эътибор қаратилмаса, эртага жуда кеч бўлади. Энди эса муаммонинг асосий белгиларига ўтсак.

Дарсликлар кириллчандан лотин ёзувиге ўгирилганда ҳамма маълумотлар олинмаган. Аммо, мана шу эски китобда қолиб кетган маълумотлар асосида тузилган тестлар кўз ўнгимизда. Бу ҳолат ўқувчини

иккала китобни бирданига ўқишга мажбур қилади. Янада ачинарлиси шундаки, иккита турли ёзувдаги, лекин мазмунан бир хил бўлиши керак бўлган тарих дарсликлари ўртасида ҳам айрим тафовутлар мавжуд. Хаттоки, айнан бир воқеа иккала дарсликда турли даврларда бўлганлиги берилган. Тест ечаётганда улардан қайси бирини танлаш ўқувчида иккиланишни туғдиради. Бундай мисолларнинг кўплаб келтириш мумкин. Бироқ бунга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

Келгусида дарсликларни тайёрлаш жараёнида юқорида келтирилган эътирозлар ҳисобга олинса кўнгилдаги иш бўларди.

Нозима АХМЕДОВА

Пойтахтимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагогик ва ахборот технологияларини татбиқ этиш муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ТАЪЛИМ ВА

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ юртимиз касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юр்தларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллаш ҳамда фаол қўллашга асосланган илғор таълим тизими киритилаётди. Компьютер ва телекоммуникация техникасини яратиш соҳасида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг натижасида юртимизда илғор технологиялар ва телекоммуникация тобора ривожланиб бораётгани таълим тизимини компьютерлаштириш ва дарс жараёнида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш имконини беряп-

ти. Бу касб-хунар таълими муассасалари моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши, ўқувчилар билим савиясининг янада юксалишига хизмат қилаётди.

Ҳозир ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларида ўн мингдан зиёд янги русумдаги компьютер, саккиз юзга яқин компьютер синфи мавжуд. Уларнинг юзга яқини Интернет тармоғига ulangан. Касб-хунар коллежларини компьютерлаштиришда Осиё тараққиёт банки, Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки, Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар самара бермоқда.

Анжуманда ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимига ахборот технологияларини янада кенгроқ жорий этишга оид маърузалар тингланди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

2004 йил декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Олий Мажлиси (Парламент) сайловлари буткул янги моҳиятга эга бўлади.

Биринчидан, сайловлар парламентни ислох қилишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ўзбекистон тараққиёти тарихида Олий Мажлис Сенат – юқори палата ва қонун чиқарувчи қуйи палата таркибида фаолият юритади, бу эса қонунчилик ҳокимиятининг аввалги тизимидан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши демократиянинг кейинги ривожланишига ёрдам беради. Қуйи палата, юқори палата ва Президент – қонун қабул қилинишининг уч томонлама тизимини шакллантиради, бу эса қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилайди, давлатнинг ижтимоий даражасига мувофиқ қонунлар эса жамият тараққиёти гаровидир. Юқори палата – Сенат ихро ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш, республика турли ҳудудларидаги аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳисобга олиш, Ўзбекистон ҳудудда қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш, камчилик манфаатларининг кўпчилик томонидан камситилишининг олдини олиш ва бошқа вазифаларни бажаради. Ўзбекистон Республикаси Парламентининг келажақдаги ислох қилиниши 2002 йил январдаги референдум натижалари билан тасдиқланиб, халқ томонидан қўллаб-қувватланди.

Иккинчидан, мамлакатимиз сиёсий сахнасида давлатимизда кечаётган ижобий жараёнларни фаоллаштира оладиган янги кучлар пайдо бўлди. Масалан, тadbirkorларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи ЎРЛДП – Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Республикаси либерал-демократик партияси ўзининг фаоллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистонда мазкур партиянинг пайдо бўлиши жамиятимизда солиштирма оғирлик қўйишни ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсатда ҳам, ўрта синфнинг таъсири кучайишидан гувоҳлик беради. Парламентга бўладиган сайловлар эркинлаштирилган қонунчилик стратегияси ўтказилишининг бошланғич нуқтаси бўлиши, Ўзбекистонда рўй бераётган демократик ўзгаришларга амалий ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистонда бўладиган сайловларга вазиятни олдиндан кўриша, таҳлил қилишга ҳаракат қилаётган, лекин бунда Ўзбекистондаги ҳақиқий сиёсий муҳит, устуворликлар, менталитет, миллий урф-одатлар, ҳуқуқий аъёнларни ҳисобга олмайдиган хорижий сиёсатшунослар, журналистлар томонидан қизиқиш билдирилмоқда. Хорижий мутахассислар томонидан кўрсатилаётган қизиқиш, фикримизча, энг аввало, Ўзбекистоннинг геосиёсий ҳолати, шунингдек, мамлакатимизнинг терроризм, наркотрафикка қарши курашда, афгон муаммосининг тартибга солинишида ўйнаётган ҳал қилувчи роли билан боғлиқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг ўзининг мустақил сиёсатини олиб борувчи давлатларидан бири ҳисобланиб, бу эса аҳолини марақаблаштиришмоқчи бўлаётган айрим сиёсий доираларга унча ёқинчирамапти. Ўзбекистондаги барқарорликнинг бузилиши демократия тушунчаларини қурол қилиб, Республикадаги конституциявий негизларни қимирлатишга ҳаракат қилаётганларга қўл қўлиши мумкин эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқдир, деб белгилаб қўйилган, бу эса демократиянинг қонуний кафолати ва давлатдаги сайлов қонунлари учун асосий меъёр бўлиши мумкин. Вакиллик демократияси инсоният цивилизациясининг муҳим ютуқларидан биридир. XVII аср буюк мутафаккирлари Дею де Траси, Жеймс Стюарт Миллар халқнинг кенг иштирокига асосланган вакилликка тўғри баҳо берган ҳолда, вакиллик тизимини “замонанинг буюк ихтироси” деб номлайдилар. Адолатли, эркин сайловлар ўтказилишининг асосий омил бўлиб, мамлакатнинг демократик сайлов қонунлари хизмат қилади. Ўзбекистондаги сайлов тизимининг ислох

қилиниши янги ҳокимият сайланишида фуқароларнинг фикрини адолатли ҳисобга олинишини таъминлашга интилиш билан уйғунлашган умумэтироф этилган халқаро тамойилларга мувофиқ амалга оширилади. Сайлов ҳуқуқининг асосий меъёрлари “Ўзбекистон республикасидаги референдум тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”, “Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашига сайловлар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”, “Сенат тўғрисида”ги қонунлар мустахкамланган. Ўзбекистоннинг сайлов тизими сайловларнинг умумийлиги, сайлов ҳуқуқининг тенглиги, сайловларда эркин иштирок этиш, ёпиқ овоз бериш, сайловларнинг ошқоралиги ва очиклиги каби демократик тамойилларга асосланади. Ривожланган давлатларнинг демократияси ижобий тажрибаларини ўрганиш ва қўллаш Ўзбекистон устуворликларидан бири ҳисобланади. Республикаимиз сайлов тизимини шакллантиришда етакчи демократик мамлакатларнинг сайлов ҳуқуқини таҳлилчи умумлаштириш имконияти мавжуд эди. Республикаимизнинг сайлов қонунчилигида Парижда 1994 йил 26 мартда қабул қилинган Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг 154-сессиясида бир овоздан қабул қилинган “Эркин ва адолатли сайловлар тамойиллари тўғрисида декларация”, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларация”си, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” халқаро ҳужжат меъёрлари ўз аксини топди.

Сайловларда демократия ва эркинликларга лозим даражада риоя қилиниши учун бир қатор шартларни бажариш керак. Энг аввало, бу давлатнинг ҳар бир лаёқатли фуқаросининг овоз беришини таъминлаш; номзод сифатида рўйхатдан ўтиш ва сайлов кампаниясининг ўтказилиши тенг ҳуқуқлиги; давлат ва жамоатчилик оммавий ахборот воситаларига тенг ҳуқуқлар асосида йўл очилиши ва аҳоли ўртасида номзодлар ҳолатлари ва дастурларини тўсиксиз тарқатиш; адолатли овоз бериш ва ҳар бир фуқаро фикрининг эркин ва яширин ифода этилишини таъминлаш; овозларни адолатли ҳисоблаш; овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш жараёнларига партиялар вакиллари ва аккредитланган кузатувчиларнинг қўйилиши; махсус комиссиялар томонидан сайлов жараёни бузилишлари тўғрисидаги шикоятларни самарали кўриш ва қарор қабул қилиш.

Сайлов ҳуқуқининг умумийлиги давлат томонидан ҳар бир фуқаронинг бевосита ёки сайланган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришдаги иштирокини таъминлаш тўғрисидаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация”сининг 21-моддасида мустахкамланган. Бу тамойилларнинг амалга оширилишига турли мамлакатларда турлича ёндашилади. Шу тариқа, айрим мамлакатларда қонунан тўғридан-тўғри бўлмаган сайловлар ўрнатилган, яъни бунда сайловчилар ҳоҳиш-иродаси сайловчилар гуруҳлари ҳоҳиши билан воситалаштирилади. Билвосита сайловлар АКШ Конституциясида Кўшма Штатларнинг асосий аҳолиси Президент сайловига тайёр бўлмаган пайтдаёқ “асосий-оталар” томонидан мустахкамланган. Лекин, ҳозирги кунда сайловларнинг бундай тартиби сақланиб қолган ва баъзида ҳуқуқий марақабаллиқлар сабаби бўлади. АКШ Конституцияси 1 бўлими II моддасига мувофиқ, ҳар бир штатдан тақдим этилган сайловчилар рўйхати мазкур штатдан сайланадиган сенаторлар ва вакилларнинг умумий сонига тенг келади. Умуман, Кўшма Штатлар бўйича 538 сайловчи сайланади. АКШдаги сайловчиларнинг вазифаси партиялар томонидан тақдир қилинган сайланадиганларнинг бир неча рўйхатидан (аслида иккитасидан) биттасини сайлаш. Ҳамма штатларда ҳам сайловчиларнинг фамилияси сайлов бюллетенига киритилавермайди. Ушбу босқичда қабул қилинади-

ган нисбатан кўпчиликнинг кўтаринкилик тизими штат сайловчиларининг кўпчилик овозини олган партия сайланадиганларнинг мазкур штатдан қолган ҳамма ўринларига эга бўлади. Америкаликларнинг ўзлари бу сайлов босқичида «Ғолиб ҳамма нарсага эга бўлади» формуласини қўллайдилар.

Олти ҳафтадан сўнг ҳар бир штат сайловчилари охириги, ҳал қилувчи овоз бериш учун пойтахтда тўпланишади. Бу овоз бериш жараёни президентликка сайлов тартиб-қоидада ўтказилади. Одатда ҳар бир штат сайловчилари уш штатда кўп овозга эга бўлган номзод учун овоз берадилар, яъни овоз бериш жараёни айнан кўп партиявий-

ловда иштирок этмаса, у 10 йил сайлов ҳуқуқларидан, шунингдек давлат хизматидаги лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Аргентинада сайловда қатнашмаган фуқаро жарима тўлайди ва уч йил мобайнида давлат хизмати лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ўзбекистон сайлов жараёнида қатнашмаслик учун ҳеч қандай функциялар қўлланилмайди. Лекин бу мамлакатимизда электротат фаоллигига тўқинлик қилмайди. Республиканинг олий сайловларида ёпиқ референдумда Ўзбекистон аҳолисининг иштироки 90 фоиздан паст бўлмади. Ана шу кўрсаткичдан баъзи Фарб сиёсатчилари ҳай-

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИГА САЙЛОВЛАР: УСТУВОРЛИКЛАР, ҲУҚУҚЛАР, КАФОЛАТЛАР

Парламент сайловлари ҳар бир мамлакат учун нафақат бевосита демократия ва халқ хоҳиш-иродасининг кўриниши, балки давлатнинг маълум даврга мўлжалланган тараққиётини белгилаб берувчи муҳим ҳодиса ҳамдир. Сайловлар воситасида давлатнинг вакиллик органлари шаклланади, сиёсий партиялар дастури халқ томонидан қўллаб-қувватланади. Сайлов – давлат сиёсий йўлини ўзгартирувчи ва мувозанатга солиб турувчи энг демократик, маданиятли восита бўлиб, у сиёсий кучлар ва давлатнинг истиқболдаги тараққиёти йўналишларини акс эттиради.

лик тизимида ўтказилади. Шунинг учун унинг амалга татбиқ этилиши моҳиятига кўра сайловчиларнинг овоз бериш натижалари ҳар бир партиянинг ва бутун мамлакат бўйича сайловчилар сони аниқлиғи билан белгиланади. Овоз бериш жараёни тугатилган сўнг, сайлов бюллетенлари сурғунланган ҳолда Конгрессга-Сенат раисининг номига юборилади. Шундан сўнг икки палата кўшма мажлисида бюллетенли пакетлар очилади ва шу ернинг ўзига овозларни ҳисоблаш жараёни амалга оширилади. Президентни сайлаш бўйича сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозига эга бўлган номзод ҳукумат бошлиғи бўлади. Аммо АКШнинг охириги сайловига Республика партиясидадан Президентликка қўйилган номзод етарли овозга эга бўла олмади, шундан сўнг оз фурсат ўтгач, демократлар партиясидадан Президентликка кўрсатилган номзод оммавий равишда кейинги курашда иштирок этишдан воз кечди. Тўғридан-тўғри бўлмаган кўпбосқичли сайловлар Хитой халқ республикаси, Италияда қўлланилади. Бу мамлакатлардан фарқи ўлароқ, Ўзбекистонда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ҳақида»ги Қонуннинг 4-моддасига биноан сайловлар тўғридан-тўғри ўтказилади, яъни республика фуқаролари депутатларни бевосита сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай тартиб ҳар бир фуқаро фикрининг инobatта олинишини таъминлайди.

Сайловларда аҳолининг овоз бериш жараёни жуда муҳим босқич ҳисобланади. Кўпчилик мамлакатларда фуқаролар лоқайдлик қилиб сайловларда қатнашмайдилар. Бундай муносабатга йўл қўйилмаслиги учун айрим мамлакатларда «мажбурий сайловлар» жорий этилган. Бу мажбурийлик, сайловчи овоз бериш жараёнида иштирок этмаган тақдирда, санкция орқали амалга оширилади. Яъни, агар фуқаро сайлов жараёнининг овоз бериш босқичида қатнашмаса, у ҳолда унинг иштироки мажбуран санкция ёрдамида таъминланади. Жарима қўрилишидаги санкция Австрия, Люксембург, Австралида жорий қилинган. Италияда эса бундай чора жамоатчилик эътирози билан қўлланилади. Масалан, сайловда иштирок этмаган шахслар газета саҳифалари орқали маълум қилинади.

Бельгияда чора кўриш тизими дифференциялаштирилган. Яъни, агар бельгиялик фуқаро сайловга биринчи гал қатнашмаса ва қатнаша олмаслигини халқаро ҳакамга маълум қилмаса, унга нисбатан жарима чораси қўлланади. Агар у иккинчи галда ҳам сайловда қатнашмаса, у ҳолда жарима миқдори оширилади, сайловларда унинг бор қатнашмаган фуқаронинг номи жарима тўлашдан ташқари оммавий жойларга илган махсус эълонларда кўрсатилади. Агар фуқаро тўртинчи марта ҳам сай-

ратга тушиб, безовталаниб қолдилар. Аслида эса, аҳолининг бундай фаоллиги халқимизнинг ҳуқуқий кадрияти билан изоҳланади: яъни мамлакатимизнинг тақдир билан боғлиқ масалалар азал-азалдан ижтимоий фикр, жамоа ҳулосаси билан ҳал қилиб келинган. Қатор Фарб мамлакатларида сайловчиларнинг сайловларда суи иштироки одат тусига кириб қолган. Бунинг сабаби аҳолининг сиёсий лоқайдлиги ёки сиёсий институтларга ишонмаслигидир.

АҚШ ва Буюк Британияда бундай кайфиятни икки палатали парламент тизими яратиши мумкин. Яъни, агар сайловчиға ҳар иккала номзод ҳам ёқинчирамаса, унинг ва тўртинчи номзодлар эса бўлмаса, улар овоз бериш босқичида қатнашмай қўя қолади. Сайлов жараёнига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш сабабларидан яна бири бу инсонлардаги шахсиятпарастлиқдир. Яъни ўз шахсий манфаатларини жамият манфаатларидан юқори қўювчи фуқаро мамлакат ижтимоий ҳаётидан узоқлашиб қолади.

Инглиз-саксония (англосаксонский) ҳуқуқ тизими аъёнасига кўра сайловларда иштирок этиш қатъий эркин бўлган. У ерда қуйидагига қоида мавжуд: агар сайловда битта ҳам сайловчи қатнашмаса, у ҳолда сайлов мантиққа зид бўлсада, амалга оширилади деб ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасига кўра Ўзбекистоннинг 18 ёшга тўлган барча фуқароси сайлаш ҳуқуқига эгадир. 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Суд томонидан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро, шунингдек, жойларда суд ҳукмига асосан озодликдан маҳрум этилган шахслар сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Айрим мамлакатларда сайловчилар ёки номзодларга бўлган махсус талаблар мавжуддир. Масалан, Мексикада сайловчилар рўйхатидан гивёндан (наркоман)лар чиқариб ташланади, Голландияда эса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар сайловларда иштирок этмайдилар. Англияда банкротларнинг сайловларда қатнашиши ман этилган. Бундай қоида Хиндистонда ҳам амалда. Қатор мамлакатларда эса ўша жойда туғилиши билан эмас, балки бошқа мамлакатдан қабул қилинганлиги сабабли фуқаролик ҳуқуқига эга бўлган шахслар учун сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи чегараланган. Масалан, Аргентинада бундай фуқаро уч йилдан сўнг, Тунисда – беш йилдан сўнг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида Олий Мажлис депутатлигига номзодлар учун талаблар белгилан берил-

ган. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхатиға қасддан жиноят содир этиб судланган шахслар, сайлов белгиланган кундан бошлаб беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудда яшамаётган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қўмондонлик Кучлари ҳарбийлари, Миллий ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, бошқа ҳарбийлашган бўлинмалар, диний ташкилот ва бирлашмаларнинг профессионал ходимларининг номлари киритилмайди.

Айрим мамлакатларда бошқача цензлар ҳам мавжуд. Масалан, қатор давлатларда «ахлоқий цензлар» амалга киритилган. Ита-

лия Конституциясининг 48-моддасида қонунда кўрсатилган номувофиқ ҳаракатларни содир этган шахслар овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилиши белгилан қўйилган. Мексика Сиёсий Конституциясининг 38-моддасига биноан дарбадарликда ҳаёт кечираётган ёки мунтазам мастлик ҳолатида бўлган шахслар жазо тартибиде суд ҳукми билан сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этиладилар. Баъзи мамлакатларда эса бўлажак номзод маълум пул миқдорини сайлов гарови сифатида банк ҳисобига ўтказиши лозим. Буюк Британияда сайлов гарови 500 фунт стерлингни, Канадада – 200 Канада доллари, Японияда эса – 1 миллион йенани ташкил этади.

Сайлов гарови шунингдек, Хиндистон, Таиланд, Ирландия ва бошқа давлатларда ҳам татбиқ этилган. Яна айрим мамлакатларда, масалан, Кипр, Франция, Туркияда депутатликка номзодлар учун одатдагидан бошқача талаблар жорий этилган: яъни номзодлар албатта ҳарбий хизматни ўтаган бўлишлари шарт.

Сайлов жараёнида овоз бериш босқичи адолатли бўлишини таъминлаш устувор жиҳат ҳисобланади. Овоз бериш тартиби ва сайлов натижаларини аниқлаш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 35-45-моддаларида аниқ, тўлиқ белгилан берилган. Сайлов бюллетени сайловчи томонидан кабинет ёки яширин овоз бериш хонасида тўлдирилади. Бюллетен тўлдирилаётган вақтда овоз берувчидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади. Сайлаш жараёнида сайловчи кабинет ёки хонада ёлғиз бўлган ҳолда қарши овоз бераётган номзодлар фамилиясини бюллетендан ўчириб ташлайди. Сайловчи томонидан тўлдирилган бюллетен сайлов қутисига ташланади. Сайлов қутиси участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раисининг овоз бериш жараёнининг тугаганлиги тўғрисидаги эълондан сўнггина очилади. Овоз бериш жараёни тугамасдан сайлов қутисининг очилиши қатъий ман этилади. Сайлов участкаларида ҳар бир номзод бўйича овозларни алоҳида ҳисоблаш участка сайлов комиссияси орқали амалга оширилади. Қўшма мамлакатларда сайловларда овоз бериш тартиби қонун йўли билан белгиланган, шу боис, бу ерларда турли топик сиёсий технологиялар қўлланилиб, натижада халқ томонидан қўллаб-қувватланган номзодлар эмас, балки айрим сиёсий ва молиявий доираларга маъқул бўлган, ана шу доиралар манфаатини ҳимоя қилувчи номзодлар парламент таркибига кириб қолмоқда. Франция, Норвегияда норасмий бюллетен тизими мавжуд бўлиб, бу тизимга мувофиқ ёки давлат бюллетенлари умуман нашр этилмайди ёки нашр этилганда сайловчи ҳам бу бюллетендан фойдаланмай,

ўзининг бюллетени билан келиши, ёки ўзи хоҳлаган номзод фамилиясини тоза вараққа ёзиб келиб, сайловда иштирок этиши мумкин.

Япония, Германия, Буюк Британияда овоз беришни мувофиқлаштириш, яъни сайловчилар бошлиқлари, фракция лидерлари, қасаба уюшмаси бошлиғи кўрсатган шахс учун овоз бериши амалиёти мавжуд. Овоз беришнинг бундай усули «қўй юриш» деб атала бошлади, чунки сайловчилар бошлиқлари ортидан, қўпун ортидан эргашади-ган қўйға ўхшаб юришади, бу эса объектив натижа бермайди.

Сайлов жараёнининг барча босқичларини назорат қилувчи ташкилий, координация қилувчи орган, яъни марказий сайлов органи тўғрисидаги масала асосий масалалардан ҳисобланади. Турли мамлакатларда сайлов органлари турлича тузилади ва турлича амал қилишади. Айрим давлатларда (Англия, Франция, Италия) сайлов органлари вазифаларини Ички ишлар вазирлиги бажаради, бошқаларида эса таркибига ҳокимият ва лидерлик қилаётган сиёсий партиялар (Австрия, Мексика, ГФР) вакиллари қилувчи махсус сайлов комиссиялари тузилади. Австрия ва Мексикада, партиялар вакилларидан ташқари, бундай комиссияга ички ишлар вазирлари, ГФРда – Бош статистика бошқарув раиси қиради. АҚШда сайловларни ўтказувчи Марказий умуммиллий орган мавжуд эмас, марказий сайлов органлари ҳар бир штатда фақат федерация даражасида тузилади. Штатлар даражасида сайловларни ўтказиш билан турли департаментлар: адлия, ички ишлар қотиблари шугулланадилар. Сайлов округларида сайловлар умумий назорати партия вакиллари, штатлар амалдорлари, судьялар, Конгресс аъзоларидан таркиб топган сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. АҚШда сайловлар ўтказилишининг ташкил қилиниши ва ўтказилиши партия аппаратиға тегишлидир. Ўзбекистонда сайлов жараёниға раҳбарлик ишининг ва қарор қабул қилинишининг ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятидан, шунингдек, сиёсий партиялардан мустақил равишда амалга оширилишини таъминловчи Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан ташкил қилиниб, Раис ва 14тадан кам бўлмаган комиссия аъзоларидан таркиб топади. МСКнинг ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Ўзбекистон Республикаси сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда тўла белгилаб берилган.

Юқорида номи кўрсатилган Қонуннинг 5-моддасида Марказий сайлов комиссиясининг сайлов округларининг ташкил қилиниши, уларга нум ва рақам берилиши, сайловларни тайёрлаш учун кетадиган чиқимлар сметасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ва маблағларнинг сайлов майдонларида тақсимланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Олий Мажлис депутатлиги сайловига номзодларни рўйхатдан ўтказиш, сайлов ва референдумлар натижаларини келтириш, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз бериш натижаларини ўрнатиш, сайлов комиссиялари қарорлари ва ҳаракатлари устидан тушган арз ва шикоятларни кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси сайловлар ва референдумлар тўғрисидаги қонуннинг бузилишлари тўғрисида материалларнинг прокуратура органларига берилиши каби ваколатлари белгилаб қўйилган. Марказий сайлов комиссияси қарорлари устидан шикоят Ўзбекистон Республикаси Олий судига топширилиши мумкин.

Қонунчилик ва ноҳуқуқий натижаларни қўлга киритиш мақсадида манфаатдор шахслар томонидан сайловлар тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳар бир қасддан бузилиши сайлов фибрибарлиги деб аталади. Сайлов фибрибарлиги статистикаси қатор мамлакатларда етарли даражада катта. Масалан, Японияда ҳар бир сайловдан кейин бир неча юз шахс жавобгарликка тортилади. Европа давлатларида сайлов фибрибарлиги қамроқ учрайди. Америка Қўшма Штатлариға келсак, сайлов машиналарининг ки-

ритилиши сайлов фибрибарлиги билан қураш воситаси бўлди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддаси, «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, Олий Мажлисга сайловлар Қонуннинг бузилиши учун жавобгарлик қўзда тутилган. Сайлов ҳуқуқининг амалга оширилишиға тўқинлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 147-моддасига мувофиқ жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортилади. «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиялари тўғрисида»ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловларни ўтказиши ва улар бўйича қарор қабул қилиниши борасидаги шикоят ва арзларни қўздан кечиришни қўзда тутилади. «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари» Қонунининг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд ҳимояси, сайлов комиссиялари, мансабдор шахслар, жамоатчилик уюшмалари ҳаракатлари устидан судға арз қилиш имконини кафолатлади.

Ҳаттоки, сайлов қонунчилигининг юзакли қийёсий шарҳи ва унинг амалга татбиқ қилиниши турли мамлакатларда турлича даражани кўрсатади, бу эса аҳолининг турлича ҳуқуқий онгидан, ҳуқуқий аъёналар ва давлат қурилиши тузилишидаги фарқлардан дарақ беради. Балки, шунинг ўзи баъзи бир сиёсатчиларға танқид учун мавзу бўлмоқда, хоҳиш бўлса энг мукаммал қонундан ҳам, унинг қўлланишидан ҳам камчилик топиш мумкин. Бироқ, агар соғлом ўйлаб қўрилса, турли мамлакатларда бир хил сайлов қонунчилигиға эришиб бўлмайди, шунинг учун бу масалаға бир хил ёндашиш нотўғри бўлган бўлар эди. Сайлов ҳуқуқининг демократик тамойиллари миллий қонунларда акс этган бўлиб, амалиётда муваффақиятли қўлланган эди, чунки адолатли ва эркин сайловларнинг таъминланиши демократиянинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда сайлов жараёни демократиянинг охириги ютуқлари, шахсининг фуқаролик ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликнинг қўп йиллик ислоҳ қилиниши ва такомиллаштирилиши натижалари мустаҳкам ҳуқуқий асосда амалга оширилади. Ўзбекистон сайлов қонунчилигиға объектив баҳо бериб, у сайлов ҳуқуқининг асосий устувор мақсади ва мазмуни – халқнинг лойиқ вакиллариға ҳокимиятга йўл бериш, ҳолисликни кафолатлаш, сиёсий партиялар ҳолатлари ва дастурларининг тенг ва адолатли курашиға мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон давлатининг стратегик мақсади ҳуқуқий давлат тузилиши, фуқаролик жамияти шаклланиши эканлиги тўғрисида тўхталиб, “эркин хоҳиш билдириш, эркин сайлов”ға ёрдам берувчи ша-роитларни яратишға алоҳида эътибор беради. Сайлов жараёни давлат конституциявий тузилишининг мустаҳкам пойдеворларидан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги барча соғлом сиёсий кучлар адолатли сайловолди кураш ва Ўзбекистонда эркин сайловнинг ўтказилишидан манфаатдорлар. Ҳали бошланмаган сайловларда ҳуқуқлар бузилишини башорат қилаётган оммавий ахборот воситаларида чиқаётган хорижий муаллифларнинг мақолалари ҳайрон қолдирмоқда ва таажжубға солмоқда. Бундай ҳаракатларни қонунчилик ҳокимияти алмашинишға ноқонституциявий тус бериш мақсадида республикадаги вазиятни издан чиқариш мақсади сифатида баҳо бериш лозим. Инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, албатта, замонамизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Ироқнинг Обу Грейн қамқончасидаги далилларнинг келтирилишидан кейин бу айниқса долзарб муаммоға айланди. Бу масаланинг ечими планетамизнинг барча бурчақларида бир хил муваффақиятли кечишини жуда хоҳлаган бўлар эдик.

Мирзаюсуф РУСТАМБОВ,
профессор.

Инсоният дунёга келибдики, унга нон — сув ва ҳаво каби зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, инсон учун нон азиз. Шу боисдан бўлса кенга тарихимизда нон учун курашлар кўп бўлган. 1933 йил ён атрофимиздаги турли халқлар қаҳатчиликка чидай олмай Тошкентга йўл олган эдилар. Мухтожларга нон, бойи бериш ўзбекларга хос бўлган одат. Шундан бўлса керак улар барча кийинчиликларга қарамадан келганларни ўз бағриларига олганлар. Лекин Тошкент аҳолиси ҳам ўз навбатида катта кийинчиликларни бошидан кечирарди. Шаҳарда турли жиноятчиликлар, ўғирликлар, оқликдан ўлишлар авж олиб кетганди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, одамлар ўғри ва талончи болаларни қириш билан «ана Самарский келпти» дейишарди. Кейинчалик билсам уларни бундай деб аташлари бежиз эмас экан. Улар самаралик бўлганлари учун шундай ном олган эканлар.

Чингиз Айтматов ўзининг бир мақола-сида ўша 1933 йилга таъриф бера туриб неча миллион халқ оқликдан қирилиб кетганини айтган эди. Худди шу мақола-нинг ўзида собиқ иттифок деб аталган жамиятда қуроқчилик ва колхозлаштириш сиёсатининг нотўғрилиги туфайли шундай ҳол юзга келганини айтилган эди.

Мен Тошкентнинг Чорсу атрофидаги «Бедабозор» маҳалласида туғилиб, шу атрофда истикомат қилганман. Ўшанда деярли ҳар кун одамларнинг оқликдан ўлаётганликларини ўз кўзи билан кўрганман. Аксига ўша йили киши нияҳатда қаттиқ келганлигидан ҳам очлик, ҳам қашқатлиқ совуқ одамлар ўлимини кўпайтирган эди. Хозирги Чорсу бозори ўрнида кичик бир қўйхона бўларди. Турли ерлардан келган мусофирлар, айниқса гўдаклар ўша ерга кириб ётишар, совуқдан дийдираган одамлар ўзи ётган ернинг устунларини сугуриб ёқишар, ҳатто устиларига том ағдарилиб тутишини ҳам ўйлаб ўтирмай, унинг тағида қолишганини ҳам кўрганман. Ўша вақтда бой деб аталган хонадонларга ҳам очлик аста-секин кириб кела бошлади.

Буваимизнинг отаси аркон тўкиб сотар эканлар. У кишидан 7 фарзанд дунёга келган: икки қиз, беш ўғил. Уларнинг ҳаммаси ўша замоннинг хозирги тил билан айтганда тadbиркорлари бўлишган. Менинг бувам Иброҳим ҳожи кўнчилик билан шуғулланиб, кейинчалик икки завод эгаси бўлган. У киши корхона ишчиларига, умуман одамларга нияҳатда ғамхўр бўлган эканлар. Қўл остида ишлайдиганларга уч маҳал овқат бериб, уларнинг тўй-томошаларини ҳам ўтказишга ёрдам берганлар. Ҳар икки хайит арасида бева-бечораларга кийим-бош улашиб, уларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб турганларини замондошлари айтиб беришганди. Ўша даврда ҳукумат бойларга ҳужум бошлаб, у кишини ҳам қаттиқ таъқиқ остига олган. Деярли ҳар кун бу хонадонга давлат кишилири келар, кўп нарсаларини мусодара қилиб олиб чиқиб кетишар эди. Натижада бу бой оиласи ҳам қашшоқликка юз тутган. Охири бува-ми бу адолатсизликларга чидай олмай ҳайбдан қўз юмган эканлар. Кейинчалик эса амакиларимизга ҳужум бошланди. Айниқса, Исмомил амакиимизни бой авлодидан деб неча бор қамашди. Менинг отам кичик бир дўкон эгаси эди. Унинг дўконини ҳам тортиб олишди. Охири болаларим оқ қолмасин деб оғиздаги тилла тишларини ўша вақтдаги Туркиб деб аталган тилла ва қумушлар йиғадиган дўконга олиб бориб топшириб, эвазига ярим қоп ун олиб келганлари ҳамон эсимда.

Одамларнинг ҳаёти кундан-кунга оғирлашиб боради. Бойлар ҳам уйдаги бор шудларини давлатга топширгани туфайли қашшоқлашиб қолишди. Ҳатто баъзилар, бог-роғларини қолдириб шаҳарга иш қидириб кета бошладилар.

Отам теги пишириш мутахассиси бўлгани учун кўп заводига ишга қиради. Аммо олган маоши оиламизга етмас эди. Ишлаган кишига кунига 500 грамм, бола-чакасига эса фақат 300 грамм чамаси нон берилад эди. Бу ҳам талон билан. Хозирги кун билан ҳисоблаганда бир инсон учун бир кунга 500 грамм нон етарлидек туюлсада, аммо ўша вақтларда бошқа таъминот бўлмаган учун 500 грамм нон бир ўтиришда еб қўйиларди.

40-йил охирида «Мосфильм» студиясида Алишер Навоий ҳақидаги фильм суратта олинадиган бўлди. Биз актёрлар унда катнашиб учун бутун театр жамоаси билан Москвага йўл олдик. Йўлда, ҳар қадамда учраётган қашшоқларни қўриб даҳшатга келдик. Ўша йиллари дунёнинг қайсидаир чекаларига жохон уруши бошланган эди. Мар-

каздан қайтар эканмиз, йўл-йўлакай вагонларда Шарқдан Фарбга жўнатилаётган танклар, қурол-аслаҳаларни кўрдик. 41-йилга келиб эса уруш даҳшати собиқ иттифок бошига ҳам тушди. Энг даҳшатли йиллар ҳали олдинда эди. Чунки уруш бошланишидан олдинқон Фарбдаги, яъни Россиядаги қурол-аслаҳа ишлаб чиқарадиган завод, фабрикаларнинг Шарққа кўчирилиши бошланган эди. Тошкентимизга самолёт ишлаб чиқариш заводи, Сельмаш ва ҳоказо заводлар кўчирилиб келтирилди. Бизнинг жамоамиздаги ёш актёрлар ўша заводларнинг кўчирилиб келиши, уларни шахримиздаги катта қурилиш биноларига жойлаштиришда иштирок этишди. Театримиздан бир неча ёшлар қатори мен ҳам хозирги Чкалов номидаги самолётсозлик заводида сафарбар этилдим. 12 соат давом этган иш бизни ўта ҳолдан тойдирарди, ярим тундагина уйга бироз мижа қоқиш учун борар эдик, ҳоло с.

Қаҳриятларимиз

БАҒРИКЕНГАЙК — ЎЗБЕККА ХОС ФАЗИЛАТ

Иккинчи жаҳон уруши даҳшатлари барча халқлар қатори ўзбекистонликларга ҳам оғир қулар келтирган эди. Катта-кичик барбарага армияга олина бошланди. Ёшларнинг кўпчилиги бевосита жангларда иштирок этмок учун, кекса ёшдагилар эса ишчи батальонларига юборилар эди. Бу ерда қолган эркаклар билан аёллар эса кунига 12 соатдан ишлашга мажбур эдилар.

Ҳамма замонларда ҳам ўзбекнинг пахтаси зарур бўлгани каби уруш йилларида бу олтин яна ҳам қадрли бўла бошлади. Далага кекса аёллар ва болалар сафарбар этилган эди. Ҳар йили пахта йиғим-терими вақтида Марказдан махсус вакиллар келиб, пахта режасини баҳарлишига йўналтирилган мажбурий ишларни олиб беришарди. Ўша йиллари эрта ёмғир-қор ёғиб қолгани туфайли ҳали пишиб етилмаган қўсақлар узилиб, хонадонларга тақсим этилган ва кечалари билан қуватиб давлатга пахтаси топшириларди. Халқимиз пахта режасини баҳарилсин деб ҳатто устиларига ёпинадиган кўрпанинг пахталарини ҳам давлатга топширган пайтлар бўлган.

Бағрикенглик халқимизга хос хислат. Украина, Белоруссия ерларини фашистлар босиб олган, ота-онаси гўдаклар юрти-мизга олиб келинди. Ана ўша йиллари Жарарик маҳаллалик Шомамхудо 14 болани ўз хонадонига қабул қилди. Темирчилик билан кун кечирган бу оила 14 боланинг пешонасини силаб вояга етказди. Уларнинг хотираси учун ҳозир Халқлар дўстлиги саройи ёнида ҳайкал ўрнатилган. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом ўзининг «Сен етим эмассан» шеърини мурожаати билан халқимизни етим-есирларнинг бошини силашга чақирган. Кейинчалик бу мавзу адабиётимизда ва санъатимизда кенг тарқалди. Ёзувчи Раҳмат Файзий «Ҳазрати Инсон» романини ёзиб ўқувчиларга тақдим этди. Машҳур режиссёр Шўҳрат Аббосов эса шу роман асосида ўзининг «Сен етим эмассан» фильмини яратиб, жаҳонга жар солди. Бу фильмдаги Она ва Ота ролларини машҳур артистларимиз Лутфиловнинг Саримсоқова ва Обид Жалиловлар ижро этишди. Ҳозир ҳам ўша фильмин кўрар эканмиз, халқимизнинг нақадар болажонлиги руҳимизни шодлантираверади.

Нияҳат жаҳон уруши туғди. Бутун дунё халқлари бу кунни алоҳида тантанга қилди.

Бу уруш неча-неча миллионларнинг ёстигини қуритди, қанча кишилар ўз юртига қайтмади. Уларнинг қўлчилиги ҳали уйланмаган, бола-чака кўрмаган, орзу-истаклари қўқсида кетган навиқрон йигитлар эди. Урушдан қайтиб келганларнинг ҳам кўпчилиги ногирон эди. Тошкентимиз кўчалари ногиронлар билан тўлиб кетган эди. Уларнинг кўпчилиги тиламчилик қилишар, ҳатто ўшаларга ҳам нон етказиб бериш амри-маҳол бўлган.

Уруш тугаганига бир неча йил бўлишига қарамай, ҳамон аҳолига нон қарточка тарқатилар, биз артистларга эса кунига 500 грамм нон берилад эди. Кундалик иш соати 12 соатга қўчганлиги одат тусига айланган эди. Биз ўша йиллари эрта-ю кеч театрда ишлар эдик. Тушлик овқатга бўтқа ва битта нон берилар, шу бизнинг бир кун-

лик таъминотимиз эди. Шундай кўз олдимда турибди. Машҳур актёр Наби Раҳимов битта нонни иккига бўлиб ярмини бўтқа билан еди-ю, қорни тўймади чамамда, кечга ейиши лозим бўлган яримта нонни ҳам одамларга кўз-кўз қилиб еб қўйганини биламан. Ўзбекистонимизда дон танқислиги ҳўм сурарди. Чунки йилдан-йилга пахта ҳўмронлиги авж олиб борар эди. Гўё биз Россияга пахта етказиб беришимиз лозим-у, улар бизга дон етказиб бериши керак эмиш. Шу боисдан деҳқон хонадонига ҳам нонга танқислик кириб келганди. У томорқасига ҳам пахта экишга мажбур эди. Чунки мўлжалланган пахтани давлатга топширмак мажбурияти бор бўлганидан ҳамма ерда пахта ундирилиши ва пахта топширилиши шарт бўлиб қолганди. Айниқса, пахта дала-ларига химикатларнинг сочилиши одамларимиз соғлигини йилдан-йилга ёмонлаштира эди.

гга суртадиган нонлар ёпилмоқдаки, энди уларни биз ҳам чет элларга совға қилиб олиб борсар арзийди. Тўри, «Нони Пўлтий»ни, «Нони Осие»ни ўз икким, ўз суви, ўз хавоси билан таърифлашди. Самарқанд барибир шу нонлари билан дунёга машҳур. Аммо нон энди бутун юртимизда бўйлаб тўкин-сочинлик ва дастурхонимиз кўрки бўлиб қолмоқда.

Наврўз тўйхонасида бир неча чет элликлар билан нонушта қилишимизга тўғри келди. Шунда менинг ёнимда ўтирган ҳинд актери «Мен ўзбекнинг паловини кўп марта истеъмол қилганман, аммо эндиликда дастурхондаги бу ширмонсифат нонларнинг ошдан ҳам ширинлигига иқдор бўлдим», деди. Ҳозир Тошкентимизда бундай тўйхоналардан ўнлаб қурилганлиги халқимизнинг тўқлигидан нишона десам бўлади. Бу тўйхоналарда айниқса, ёшларимизнинг никоҳ тўйларини ўтказиш нақадар қувончи.

Шаҳримиз бутун никоҳда ўзгариб кетди. Бир вақтлар Эски шаҳарнинг тор кўчаларда икки от арава бир-бирига тўқнаш келиб қолса, «олдин мен ўтаман» деб бир-бирига йўл беришмасди. Кўчалар эндиликда кенгайиб унда осмонўпар бинолар, катта-катта саройлар ўрин олди. Биргина бизнинг Миллий театримизнинг хозирги биносини қурмок учун етмиш йил собиқ иттифокка мурожаат қилганимиз. Аммо Мустақиллик шарофати билан шахсан Президентимиз Ислам Каримовнинг курсатмаси билан бир йилдаёқ шундай кўркам бинога эга бўлдик.

Чиндан ҳам Мустақиллик даврларида қўлимизга қиритган ютуқларимиз беҳисоб. Биз учун энг қувончлики шундаки, халқимиз бутун дунё минбарларидан ўз фикрларини баралла айта олади. Ўша дунёнинг байроқлари жамулжам бўлган ерда Ўзбекистонимизнинг байроғи ҳам ҳўллараб турибди. Лекин ҳали-ҳануз бизнинг бу ютуқларимизни кўролмайдиган қимсалар бор. Бир неча бор террористик йўллар билан қилинаётган ҳўжумлар шуларнинг бир мисолидир.

Тўри, Мустақиллигимиз кўлга қиритилганига энди 13 йил тўлгати. Бу инсоният тарихи учун жуда кам муддат. Аммо қисқа муддат ҳам бизни кўн синовлардан ўтказди. 1 июнь кунни биз санъаткорлар шаҳримизда 21-Мехрибонлик уйда бўлдик. Ўша Мехрибонлик уйда юзга яқин ота-онаси ташлаб кетган болалар тарбияланар экан. Тўри, уларнинг кийими бут, қорни тўқ, ашайдиган хоналари инсонларга муносиб. Мехрибонлик уйига ўз совғалари билан келган тadbиркорлар болаларнинг ҳар бирига қимматбах буюмлар тарқатишди, катта зиёфат берилди. Аммо у гўдакларнинг юзидagi чехра қандайдир қайгу билан қопланиб тургани билиниб турарди. Биз улар билан субҳат қилаётганимизда чамаси 7-8 ёшлардаги бир қизалоқ ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг пешонасини силаб ҳўлу аҳвол сўрадик. Шунда у «Онамини соғиндим», деди. Қўрдингизми, она мехри ўрнини ҳеч нарсаси билан тўлғазиб бўлмас экан. Ахир биз қанча қардош халқларнинг болаларини Ватанимиз бошига оғир ишлар тушганда бағримизга олганмиз. Уларни кийинтирганмиз, емай едирганмиз. Наҳотки энди ўз пушти камаримиздан бўлган фарзандимизни кўчаларга ташлаб кетишга ҳам журъят этган бўлсак?

Ножўз ҳаракатлар билан бойлик орттиришга бел боғлаганлар ҳам йўқ эмас. Улар шунга яхши билиб қўйишсинки, қингир ишнинг қингир барибир чиқади. Халқимиз ундайларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламайди. Тошкентимиздаги бозорларини қўриб ҳавасинг келади. Минг турли нарсалар билан расталаримиз тўла. Лекин сотувдаги ҳалоллик масаласига келганда ҳаммада бўлмасча, баъзиларда ноҳўз ҳаракатлар учраб туради. Тарозидан ўриб қолиш, нарх устига қўйиб сотиш булар одат тусига кириб қўлмайтимикиан? Бир воқеа ҳали эсимда, ўшанда 7 ёшлар чамасида эдим. Енимиздаги қасбодан ҳар ҳафтада бир сўмлик гўшт олиб чиқар эдим. Бир кунни ўша қасбодан бизга бериладиган гўшт пулидан 20 тийин қайтилиб берди. Мен ойимга бердим. Ойим отамга берганларида «20 тийин қасбоднинг ҳаққи, олиб чиқиб берсин», дебдилар. Мен ўша қайтимни қасбга олиб борганимда, қасбод дедик: «Бу чоршанба бозор ўтган чоршанбадан арзонроқ бўлди. Шу 20 тийин қайтим сизларнинг ҳаққингиз...»

Тараққий этган мамлакатларда кўп бўлганман. Уларнинг ҳам ҳаётларида бошланғич даврлар яхши қўнғилиги кечмаганини яхши билган. Улар ҳам биз каби юрт бойисагина, халқ бойийди, деган назария билан қўсалликка эришган. Биз ҳам ана шу йўлдан бораёямиз. Энди биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Биласизми?

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ЯПОНЛАР

ТОКИО. Тиниб-тинчимас японлар дунёда энг «ақлли» одамсимон-робот машина яратишга эришдилар. Япониянинг «Сони» корпорациясида ишлаб чиқарилган бу ажойиботнинг исми «Кьюрио» бўлиб, у бир сонияда бир триллонинг масалани ечишга қодир.

130 МИЛЛИОН ЁШЛИ ТИМСОҲЛАР

БЕРЛИН. Германиялик тадқиқотчилар Рейн-Вест-фалияда беш метр чуқурликда «динозаврлар қабристонини» топишга муваффақ бўлишди. Қазиишларнинг раҳбари табиқли палеонтолог Клаус—Петер Ланзернинг журналистларга берган хабарига кўра топилмаларнинг ёши тахминан 130 миллион йилни ташкил қилади. Энг қадимги тимсоҳ, тошбақа, йирткич қушлар ҳамда ўтхўр калтакесакларнинг беш юзга яқин суяк ва тишлари олимнинг фикрини тасдиқлаб турибди.

НАФСИ ЎПҚОН РЕКОРДЧИ

НЬЮ-ЙОРКда ўтказилган халқаро аъёналар мусобақасида япониялик Такэру Кобаяси 12 дақиқа ичида эллик уч яримта «хот-дог»ни паққос тушириб, жаҳон рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Бундай мусобақа 1916 йилдан бери «Нэйтон» ресторанида ўтказилиб келинмоқда. 26 ёшли Кобаяси тўрт йилдан бери бешинчи ўринни қўлдан бермай келмоқда. У олдинги рекордини 2002 йилда ўрнатган эди. Ушанда у 12 дақиқада эллик яримта «хот-дог» ейишга улгурганди. Ажабланарли томони шундаки, Кобаяси мазкур рекордини ўрнатишдан олдин атиги 50 килограмм эди, сўнг 10 килограмм семирди. Японияликлар 1996 йилдан бери шу мусобақа ғолиблари бўлиб келишмоқда.

БОШ ВАЗИРГА АНТИҚА МАКТУБ

ЛОНДОН. Буюк Британиялик тўрт ярим мингга яқин шифокорлар жамоат жойларида чекишни таққиллаш лозимлиги ҳақидаги таклиф билан мамлакат бош вазири Тони Блэрга мактуб йўллашди. Улар мазкур мактубни Бирлашган Қироллик Тиббиёт ассоциациясининг эксперт хулосаларига қўшиб улкан тамаки қутисига жойлашди ва устига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйишди: «кам чекиш инсонни ўлдирди, никотиндан ҳоли хизмат жойлари ҳаётни асрайди!».

Меҳрибон ва ғамхўр она мурғак болалар тили ва дилидаги Аллоҳнинг номи. Бир аллома айтган экан, жаҳоннинг бутун гурури оналардаги латофатдан деб. Қуёсиз гуллар ўсмайди, севгисиз бахт йўқ, аёلسиз муҳаббат йўқ, онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

Ота-онанинг хизматларини қилиб, дуоларини олиб қол, онани бошингда кутар, опа-сингилларингни кипригингда, дейди доно халқимиз.

Она муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ ҳеч нарса йўқ бу дунёда. Ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай эҳтирос унга нисбатан ё оғир, ё ғаразлидир. Фарзандларига меҳрибон, бутун дунёни кўрак сuti билан боққан аёл онадир. Уни ҳар қанча хурмат қилсак, ардоқласак, бошимизга кўтарсак арийди. Онани ардоқлаш, кўнглини олиш, унинг айтганларини сўзсиз баҳарлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Умнатларидан бири пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаломдан кимга яхшилик қилди, деб сўраганида уч гал онанга, тўртинчи гал отанга, деб жавоб берган эканлар. Бу онани отадан устун қўйиш эмас, балки онанинг фарзандида кўпроқ ҳақли эканлигига бир нишондир. Биринчидан, она болага ҳомилдор бўлганидан бошлаб, тўққиз ой давомида авайлаб, турли балоқазолардан асраб уни қорнида кўтариб юради, иккинчидан, тўлғоқ тутгандан бошлаб, бола туғилгунча она азобда, ҳаёти қил устида туради. Учинчидан, бола туғилгач, икки йил давомида уни эмизиб боқади, унга шикаст етказмасдан оёққа тургазади.

«Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», дейилади муборак Ҳадиси шарифларда.

Оналаримизни яхши хулқимиз, солиҳ амалларимиз билан рози қилсак улғу сат, вобларга эришамиз.

Қадим замонларда бир қобил фарзанд

Мўйғузлар

БУ ОЛАМДА УЛУҒ ЗОТ КИМ?

Она! Онаизор! Нақадар улғу ва муқаддас сўз. Биз ўз ҳаётимиз, бутун борлигимиз билан умрбод бу улғу зотдан қарздормиз. Ота ва она биз учун Қуёш билан Ой. Буюк бобомиз Алишер Навоий айтадилар: Бошни фидо айла ато қошига, Жисми қил садқа ано бошига.

онасини елкасида кўтариб, пийда бир неча кун йўл юриб, Ҳаж зиёратига борибди. Онасини қафтидан қўймай Каъбатуллоҳни таовф қилишибди. Ҳаж амалларини мукамал адо этиб бўлишгач, фарзанд пайғамбаримизнинг хузурларига бориб:

— Мен шу хизматларим билан онамининг ҳаққини адо этдимми? — деб сўрабди. Шунда икки олам сарвари ҳазрати Расулulloҳ айтган эканлар:

— Сен шу хизматларинг билан онанинг сен учун чеккан бир кечалик заҳматлари ҳаққини ҳам адо қилганинг йўқ.

Биз дунёга келиб қўзларимизни очиб қулиб турган онажонимиз чехрасини кўрганмиз. Уни тўйиб-тўйиб эмиб, сийна-сига бошимизни қўйиб ором олганмиз. Онажонимиз бизни оқ ювиб, оқ тараб, ўзи емай бизга илинби соғлом ва бақувват қилиб ўстирган. Бетоб бўлиб қолсак, ке-

чалари мижжа қокмай бошимизда ўтирган. Она биринчи тарбиячи, биринчи устоз, мураббийдир. Нима яхшию нима ёмон, бу ёруғ дунёда яшашдан мақсад нима, жигарлар, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳалладош, юртдошлар билан қандай муносабатда бўлмоқ керак. Шулар ҳақидаги илк сабоқларни онадан олганмиз. Онанинг бир имоси билан оёғимиздан ўт чакнаб унинг буйруғини бажаришга шошилганмиз. Халқимизнинг урф-одатлари, қадриятлари, аъёналари оналаримиз орқали бизга борган. Дунёда энг гўзал қўшиқ — «Алла»ни, халқ дostonларини, эртақларни, мақол-маталларини онамиздан эшитганмиз. Одамларга меҳр-муруватли, оқибатли бўлишни оналаримиздан ўрганганмиз.

Ўзбек аёллари — оналаримиз вафодорликда, садоқатда, болажонликда оламга доврў таратганлар. Уруш йилларида бугун никоҳдан ўтиб, тўй-томошадан кейин чимилдиққа кириб, эртасига қуёв фронтга жўнаб кетганида омон бўлса қайтиб келар, деган умид билан дунёдан тоқ ўтган аёлларимиз сон мингта.

Ун тўртта етим қолган турли миллат фарзандларини бағрига босиб, оналик меҳри билан воёга етказган Баҳри ая оддий ўзбек аёлларидан биридир. Бизга ҳаёт берган, чиниктирган, мард, ҳалол юртга қайишадиган инсонлар қилиб етказган оналаримизга таъзим қиламиз. Авлодлари бир-бири билан боғлаб турувчи қобил фарзандлар ўстирган, дунёга таникли улғу инсонлар — олим-фузалар, шоиру адиблар, санъаткорлар, қаҳрамонлар, кашфиётчилар, шифокорлар устозлар етказиб берган ўзбек оналарига шарафлар бўлсин.

Мирза Анвар КАРИМОВ

Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой-Октепа» маҳалласида «Университет», «Чигатой-Октепа» ва бошқа маҳаллалар фаоллари, туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Республика Вазирил Маҳкамасининг ушбу Фармон ижросини таъминлашга бағишланган қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан семинар бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛАДА СЕМИНАР

Семинарда Собир Раҳимов тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Му-

қаддам Расулова, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимининг биринчи ўринбосари Самуғжон Ҳикматов, Абу Рай-

хон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университети доцент-ўқитувчилари, маҳалла оқсоқоллари, фаол-

ларининг маъруза ва бошқа чиқишларида Фармон ва қарорнинг асосий йўналишлари, унинг татбиқ этилиши юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, тўпланган тажрибалар юзасидан атрофлича фикрлар билдирди.

Бахс, мунозара билан ўтган анжуман услубий тавсияларга бой бўлди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Граф

ЯНА БИР ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК

Тошкент кимё-технология институти олимларининг самарали изланишлари асосида қатор янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Олий ўқув юртида «Дизайн-студия» ташкил этилиши билан бундай ўқув адабиётларидан бир нечаси босмага тайёрланди.

«Физик ва каллоид кимё» фани бўйича ўқув дастурини тузишга киришилганлиги ҳам эътиборга сазовордир. Ушбу дастур асосида электрон дарслик яратиш режаси ҳам ишлаб чиқилди.

«Аналитик кимё» фанига бағишланган бу ўқув адабиёти анимация,

овоз ва видео воситаларидан фойдаланган ҳолда тайёрланаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Дизайн-студия изланишлари бундан кейин яна қатор янги электрон ўқув адабиётларининг юзага келишига хизмат қилади.

Аҳмад АББОСОВ

«Супромед» илмий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан соғлиқни сақлаш муассасалари учун мураккаб тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эндиликда шу пайтгача хориждан келтирилатган ушбу турдаги ноёб техникани экспорт қилиш имкони ҳам пайдо бўлди.

ТИББИЁТ ЖИҲОЗЛАРИ ЭКСПОРТГА

Қорхона тайёрлаётган турли номдаги лазер ва квант аппаратлари, гальванотерапия анжомлари ва физиотерапевт даволашга мўлжалланган ультрабинафша нури ёриткичлар ўзининг арзонлиги ва жаҳон бозорида рақобатбардорлиги билан ажралиб туради.

— Шу пайтгача, асосан тез тиббий ёрдам кўрсатишда қўлланадиган, шунингдек, физиоте-

рапия, тахис қўйиш, санитария ва жарроҳлик асбоб-ускуналари, бир каналли электрокардиографлар ишлаб чиқарилди, — деди мазкур фирма директори Собир Убайдуллаев ўЗА муҳбирига. — Ҳозир маҳсулотларимиз тури йиғирматга етди. Айни кунларда айрим номдаги аппаратларни россиялик мижозларга етказиб бераёпмиз.

ўЗА

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тadbиркорлар ва муқтарам қорхона раҳбарлари!

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Биз қорхона, истеҳсолот, таърифта тўла ёлларимиз. Бизга фойда қилиш таърифи ва қўшимча етказиш.

Работ ва таърифи билан таърифи вақти келди. Чунки бу — муваффақият олиб бериш ва қўшимча.

Спорт

ЎСМИРЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ

Шахматчиларимизнинг халқаро мусобақалардаги муваффақиятларини етакчи спортчиларимизнинг сафлари ёш шахматчилар ҳисобига тўлиб бораётгани билан ҳам изоҳлашимиз мумкин.

Хусусан, Ливия пойтахти Триполида шахмат бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати финалида юрдошимиз, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ўзининг ажойиб ўйини билан курраи замин шахмат аҳлини лол қолдириб, чемпионлик унвонини кўлга киритган бўлса, Хиндистоннинг Каликат шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган шахмат олимпиадасида терма жамоамиз умумкоманда ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган ҳолда ўзбек шахмат мактаби шашини муносиб ҳимоя қилди.

Тимур Гареев, Андрей Квон, Жўрабек Хамроқулов ва Жамшид Мустафоев каби иқтидорли ёшлардан ташкил топган терма жамоамиз ана шундай муваффақиятга юз тутди.

ИККИНЧИ НАТИЖА
КЎРСАТИШДИ

АҚШнинг Эммитебург шаҳрида тўрт кун давомида талабалар ўртасида оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган спортчи-талабалар қатори юртимизнинг икки нафар оғир атлетикачиси ҳам юқори натижаларни кўрсатиб хурмат шохсупасидан ўрин олишди. Жумладан, Ботир Усмонов даст кўтариш машқида 150 килограмм, силтаб кўтариш баҳсида эса 177,5 килограммлик вазнларни забт этган ҳолда иккинчи ўринларни эгаллади. Шунингдек, у иккикураш натижасига кўра қумуш нишонларининг соҳиби бўлди.

Яна бир спортчимиз Маҳмуд Тоғаев эса ҳар иккала машқда бронза ва қумуш медалларини кўлга киритди.

Иккикураш натижасига кўра ушбу спортчимиз ҳам қумуш медал билан тақдирланди.

Сайёра МИРЗАЕВА

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Тошкент Молия институти қошидаги молия академик лицейи томонидан 2003 йилда Муҳамедов Жавлон Файзуллаевич номига берилган O'R - AN 1504830 — сонли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 247-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Алимова Сайёра Рихсибеевна номига берилган 9-синфни битирганлик тўғрисидаги А № 089340 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мағбурлар

ЁШЛАР ҚАЛБИ
ФАХРГА ТЎЛДИ

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида ўтказилган тадбирда туманда истиқомат қилувчи бир гуруҳ ёшларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортлари топширилди.

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан уюштирилган. «Мен Ўзбекистон фуқаросиман» мавзусидаги тадбир давомида паспорт олган ўсмирларнинг қалблари ҳис-ҳаяжондан ва қувончга тўлди. Тадбир сўнггида улар ўз дил сўзларини изҳор этдилар.

Ҳасан ИСАМАТОВ, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзоси:

— Мен фуқаролик паспортига эга бўлганимдан бағоятда хурсандман. Негаки, биз катта ҳаётга қадам қўймоқдамиз. Бизнинг олдимида масъулиятли вазифалар турибди.

Келажақда уларни тўлақонли адо этишга ҳаракат қиламиз. Зеро, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилиб, қомил инсон бўлиш мениннг орзуимдир.

Дилноза АБДУБЕКОВА, «Ёшлик» маҳалласи фуқароси:

— Бугунги тадбир шахримиз бўлаб биринчи марта бўлиб ўтказилган экан. Унда мен ҳам иштирок этаётганлигимдан қувончм кечиз. Мен «Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман», дея ба-ралла айта оламан ва юртимнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида бутун куч-маҳоратимни аямаяман.

Юлдуз РИЗАЕВА

Республика ҳукумати қарори билан Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институтига янги мақом берилди.

ИНСТИТУТГА ЯНГИ МАҚОМ

Эндиликда Тошкент Ирригация ва мелиорация институти деб юритилаётган бу олий ўқув юртида мутахассислар тайёрлашни сифат жиҳатдан юқорида кўтариш мақсадида қатор маърифий тадбирлар кўрилди.

Бу ерда қишлоқ ва сув хўжалиғи тизими учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашнинг истиқбол режалари ҳам белгилаб олинди. Бир нечта янги ихтисосликларнинг ўқув режасига киритилиши ҳам айтиш мумкин бўлди.

Даврон ҒУЛОМОВ

Футбол

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

17 июлдан Хитойда бошланадиган Осиё чемпионатида тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Тбилисининг «Локомотив» командаси футболчилари билан уюштирилган ўртоқлик учрашувида ҳужумкор ўйин кўрсатишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, минтақа биринчилигида совринли ўринлардан бирига даъвогар ҳисобланаётган Равашан Хайдаров шогирдлари майдонда ушқоқлик билан ҳаракат қилишди. Аввало шу кун «Пахтакор» таркибида тўп сураётган футболчилар билан бирга

Россия, Молдова клубларида ўйнаётган легионерларимиз ҳам ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишганини таъкидлаш жоиз. Хуллас, ҳужумкор, тезкор комбинацион ўйин намойиш қилган футболчиларимиз меҳмонлар дарвозасини уч марта ишғол этиб, муҳлислар кўнглини шод этишди. Ишқибозларга завқли онларни ҳаёда этган голларни дарвозага Холмуродов ва Шишелов (2 та) йўллашди.

Осиё чемпионати олдидан ушбу ғалаба футболчиларимизга руҳий мадад берса ажабмас.

Раҳмон АҲМЕДОВ

Қизиқчи ва асқиячиларимиз

ДАВРАЛАРГА КУЛГУ
УЛАШИБ

Қизиқчи бўламан деганлар кўп, аммо унинг улдасидан чиқадиганлар саноқли. Абдуллажон ёшлиғидан қизиқчи бўлишга интилди. Кулги кечалари, қишлоқда бўладиган тўйлардаги қизиқчиликларни кузатиб борди. Фаргона Давлат педагогика институти 1981 йили тугатганидан кейин Олтиариқ туманидаги Гафур Ғулом номи 34-ўрта мактабда кимё ва биологиядан дарс бера бошлади. Шу билан бирга кичик-кичик йиғилишларда ўзининг қизиқчилик маҳоратини синаб кўрди.

Бир кун отаси Мақсудали ака ўғлидан қизиқ бир ҳикояни эшитиб, роса кулади. Кейин умр йўлдоши Умгулсум опага юзланади:

— Ўғлимиз Мухиддин Дарвишевдан қолишмайдиганга ўхшайди, онаси.

— Кўпчиликни кулдириш осонмас, майли ўғлимизга омад ёр бўлаверсин!..

Уша-ўша Абдуллажон Акбаров ёр-дўстларининг тўй, гап-гаштакларида, шаҳар ва қишлоқлардаги кечаларда ўз истеъдодини намойиш эта бошлади. Республикаимизда ўтказилган «Қизиқчи-89» танловида шохсупанинг иккинчи погонасини эгаллади.

Яхши орзу-ният инсоннинг келажағи учун қанот ҳисобланади. Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Мухиддин Дарвишевлар сингари машҳур қизиқчиларимиз изидан бориб, халқимизга кулгу улашаётган Абдуллажон Акбаровга омад ёр бўлишини тилаймиз.

Куйида Абдуллажоннинг кулгу сандигидаги аския ва хандалари билан танишинг.

ЎХШАТДИМ

(Шу номдаги аския пайривида)

Мамарайим — Ўхшатдим.

Абдурайим — Кимга?

Мамарайим — Бюрократ — тўрага.

Абдурайим — Уйда касал ётсанг, қақиринган шифокорга эртага келинг, дердинг-да!

Абдурайим — Мен ҳам сизни ўхшатдим.

Мамарайим — Кимга?

Абдурайим — Ширкатчи ё фермерларга, ер ўлчаб берадиган тановчиға

Мамарайим — Ўхшатганимда нима бўларди?

Абдурайим — Қариндош-уруғлару совға-салом берганларга катта қадамлаб, беғоналарга майда қадамлаб ўлчардинг-да!

ЖУГРОФИЯ ДАРСИДА

Бир ўқувчини жуғрофия муаллими доскага чиқариб деди:

— Қани, харитадан Англияни кўрсатчи?

Ўқувчи харитадан Англияни топа олмай, чўнтак телефонида кимгадир кўнжирок қилмоқчи бўлди. Буни сезиб қолган

муаллим сўради:

— Хўш, кимга телефон қилмоқчийдинг?

— Дадамга!

— Унда ўтир, фойдаси йўқ, дадангни ҳам мен ўқитганман.

ҚУЛГУ ЙЎҚ

Сиз билан биз ҳозир «миш-миш»лар замонида яшаймиз, қаёққа қараманг «миш-миш», палон нарсга қимматлашармиш, пистон нарсгага ўт тушибди миш. Одамларга ҳам хайронсан, нимани камайиб кетди дейишса тезда ғамлаб олишад. Хотиним ҳам шунақалардан, ҳоли-жонимга қўямасдан дўконга жўнатди. Бориб, шакар борми, десам: «Йўқ» деди.

— Совунчи?

— Йўқ!

— Дазмол борми?

— Йўқ!

— Ун борми?

— Йўқ!

Анчигим чиқиб:

— Шунча керакли нарсалар йўқ экан, нима қиласиз бу ерда ўтириб, дўконингизни қулфлаб кетавермайсизми? — десам, сотувчи:

— Қулф йўқ-да, — дейди тиржайиб.



АЙФОҚЧИ

Ўн беш ёшида уйланган бир йигитнинг тўнғич ўғли етти ёшга етиб, ота қаерга борса у билан бирига бораркан. Ёш ота эса кўчада кўринган чиройли-чиройли қизларга гап отгиси келаркан ундайга айғоқчидан ҳадиксираркан. Охири у ўғлига айтибди:

— Ўғлим, беғона қиз-жувонлар олдида мени дада деб қақирмагин, уялама. Ака дегин, хўпми?

Ушанда ўғли елкасини қисиб туриб дадасига деярмиш:

— Бўпти! Унда аямни ҳам беғона эр-каклар олдида опа деб қақираман-да!

ЧИҚМАГАН ЮТУҚ

Бир кун яхши ният билан беш юз сўмлик лотерея билети сотиб олдим.

Бир томонга лотерея билетларини, бир томонга газетани қўйволиб астойдил текшириб чиқсам... бир сўм ҳам ютуқ чиқмади. Аламинни кимдан олишни билмай, бўғилиб ўтирган эдим, шу пайт хотиним кириб:

— Вой дадаси, нима қилди? — деб қолди. Баттар жазавам кўзиб:

— Нима чикарди, сенга яна битта эр чикди, десам, нима дейди денг:

— Агар у ҳам ўзингизга ўхшаган бўлса, бориб пулини олиб келаверинг эмиш, гапини қаранг!

Олим КЎЧҚОРБЕКОВ тайёрлаган.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиғи

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
2812 нусxada босилди. Қўғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларида ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Т-809.

1 2 3 4 6